*28.04.2017й.01-09/12-04/523-сон*

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси**
**_______________ К.Сариев**
**«28» апрель 2017 йил**

## Ички ишлар органларининг ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва кенг жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлигини таьминлашга қаратилган қўшма чора-тадбирлар комплекс ДАСТУРИ

| № | Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижрочилар | Масъуллар | Ижро этиш натижаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Барча соҳавий хизматлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жойлардаги ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш;<br>туман (шаҳар) ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат фаолиятларини иш режага асосан тизимли равишда ташкил этиш мақсадида, уларнинг кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик, ярим йиллик иш режаларини ишлаб чиқилишини таъминлаш. | 15 кун | Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | А.Темирханов | |
| 2 | Иш режага киритилган тадбирларнинг ижроси таҳлил қилиниб, ходимлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар асосида баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилишини, баҳолаш натижаларига асосан ходимларни рағбатлантириш, ижобий ишларини оммалаштириш ёки уларга нисбатан тегишли таъсир чораларини | Ҳар ой якуни бўйича | Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | А.Темирханов | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | белгилаш тизимини амалиётга татбиқ этилиши таъминлаш. | | | | |
| 3 | Аввал содир этилиб, фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этиш чораларини кўриш, қидирувда бўлган шахсларни қўлга олиш бўйича ташкил этилган Ишчи гурухлар томонидан амалга оширилган ишлар натижасига кўра, фош этилган жиноятларни ҳамда қидирувда бўлган шахсларни қўлга олинганлик ҳолатлари юзасидан телекўрсатувлар ва видео лавҳалар тайёрлаб, телевидение орқали намойиш этиб борилишини таъминлаш. | Доимий | Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, Телерадиокомпания, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари | А.Қалбаев<br>А.Темирханов<br>Э.Таджиев<br>Қ.Нағметов | |
| 4 | Машғулотларға қатнашмасдан қаровсиз ва назоратсиз юрган умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини аниқлаш, уларнинг вақтларини турли кўнгилочар масканларида (интернет-клуб, кафе ва бошқалар) ўтказишларининг олдини олиш мақсадида **“Давомат”** профилактик тадбирларини ўтказиш бўйича тузилган **Ишчи гуруҳларнинг** асосий эътиборини хулқ-атворида салбий ўзгаришлар бўлган ўқувчиларга қаратиши, болаларнинг ўқишдаги давомати учун ота-оналарнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш максадида, уларга нисбатан қўлланилган чоралар бўйича телекўрсатув ва видео лавҳалар тайёрланиб, республика ва маҳаллий телевидение орқали намойиш этиш чораларини кўриш. | 20 кун | Ички ишлар вазирлиги, Ўрта махсус таълим бошқармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ўқув юртлари, “Маҳалла” фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари | Б.Ережепов<br>А.Темирханов<br>А.Аяпов<br>Қ.Бектурдиев<br>Т.Романов<br>А.Данияров<br>З.Ибрагимова<br>Қ.Нағметов<br>Т.Алиев | |
| 5 | Тунги пайтда жамоат тартибнни сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Хоразм вилоятида жорий этилган “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари, аъзолари ва маҳалла фуқароларидан иборат таркибда “Жамоатчилик назорати” масканларининг ижобий тажрибасини республиканинг барча минтақаларида татбиқ этилишини таъминлаш. | Бир ой | Ички ишлар вазирлиги, Ўрта махсус таълим бошқармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ўқув юртлари, “Маҳалла” фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, туманлар | А.Қалбаев<br>А.Темирханов<br>Т.Романов | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ва Нукус шаҳар ҳокимликлари | | |
| 6 | Жиноятнинг изи совимасдан фош этилишида жонбозлик кўрсатган жамоатчилик тузилмалари аъзоларини ва ҳудуддаги криминоген вазиятнинг барқорор сақланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган фуқароларни доимий равишда рағбатлантириб бориш амалиётини йўлга қўйиш. | | Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, , “Маҳалла” фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари | А.Темирханов Т.Романов | |
| 7 | "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” бўйича чора-тадбирлар режаси содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг чуқур таҳлили асосида тайёрланиши, унда белгиланаётган тадбирлар “хўжакўрсин”га эмас, балки ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг, хусусан, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан содир этилган, ахлоққа қарши ва бошқа жиноятларнинг алоҳида тоифаларга ажратиш, уларни кенг жамоатчилик вакиллари билан муҳокама қилиб, маҳаллий телеканаллар орқали ахборот бериб бориш масалалари экс эттирилишини таъминлаш.<br>Бунда интерактив услублар (презентация, фото ва видео лавҳалар) орқали муҳокама қилишни йўлга қўйиш. | Доимий | Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари | Б.Ережепов А.Темирханов Т.Романов А.Данияров З.Ибрагимова Қ.Нағметов Т.Алиев | |
| 8 | Жиноят ишларини, сайёр суд мажлисларини кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва жиноятчиларнинг оила аъзолари иштирокида жиноят содир қилган шахснинг доимий яшаш жойида ўтказиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш борасида таъсирчан чоралар кўриш. | Доимий | Судлар | А.Нуржанов | |
| 9 | Ички ишлар вазирлиги тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимлари билан биргаликда юқорида қайд этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари фаолиятини янги тизим асосида жорий этиш ва намунавий туманга (шаҳарга) айлантириш чораларини кўриш. | Бир ой муддатда | Ички ишлар вазирлиги, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари | А.Темирханов | |

**Келишилган:**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Прокурори**
**______________Э.Таджиев**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Ички ишлар вазири**
**______________А.Темирханов**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Халқ таълими вазири**
**______________Қ.Бектурдиев**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи**
**______________А.Аяпов**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Хотин қизлар қўмитаси**
**______________З.Ибрагимова**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**“Маҳалла” хайра жамоатчилик фонди бўлими бошлиғи**
**______________Х.Елмуратов**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**“Нуроний” жамғармаси бўлими бошлиғи**
**______________Ш.Уснатдинов**
**«  »  апрель 2017 йил**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Телерадиокомпанияси директори**
**______________Қ.Нағметов**
**«  »  апрель 2017 йил**